



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 1 декабрь, № 232 (4895)

Сешанба

КЕЛАЖАККА ИНТИЛГАН ЁШЛАР


Киши ҳамиша эзгу ниятлар билан яшайди. Айниқса, навқирон ёшлик йилларида ҳар бир йигит-қиз олам-олам орзу-истакларни дилига туккан ҳолда келажақ сари шижоат билан интилади. Мамуният билан айтишимиз мумкинки, мамлакатимиз ёшларининг билим олиши, ҳунар ўрганиши, санъат, спорт билан шуғулланиши ва шу орқали ютуқ ҳамда муваффақиятларга эришиши учун барча имкониятлар етарли.

Президентимизнинг бекиёс гамхўрликлари боис бугун юксак марраларни кўзлаб ҳаракат қиладиган ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улар билан ҳар қанча фахрлансақ, арзийди.

Пойтахтимиздаги "Бунёдкор" ёшлар телеклубида ҳам ана шундай истеъдодли ёшлар талайгина. "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамда "Ёшлар" телерадиоканали мурасидида бундан етти йил муқаддам ташкил этилган мазкур телеклуб бугунги кунга келиб, фаол ва фидойи ёшларни ўз бағрига қорловчи масканга айланган улғурди. Телеклуб бадий ижод ва журналистика соҳасига қизиқувчилар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда.

— Юртимизда Истиклол шарофати билан ёшларимизнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш учун кенг имкониятлар яратилди, — дейди "Бунёдкор" ёшлар телеклубининг ижрочи директори Муҳаддас Қамбарова. — Навқирон авлодининг ёруғ истиқболли тазминлашга хизмат қилувчи бекиёс гамхўрликлар ўз самарасини бермоқда. Ёшларимиз орасидан минглаб иқтидор

(Давоми 4-бетда).



Темур ҚУРБОНОВЕВ олган сурат.

МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

САМАРҚАНД. Жомбой туманида енгил саноатда кенг қўлланиладиган елим маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Ургут — Латекс — Пасаргат" Ўзбекистон — Эрон қўшма корхонаси иш бошлади.

Саноат ривожига ҳисса қўшади

Бунинг учун 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги хориж сармояси ҳамда тадбиркор Муродилла Ибодуллоев ҳисобидан 70 миллион сўм маблағ сарфланди. Ҳозир мазкур корхонада бир кеча-кундузда қарийб 3 тонна маҳсулот тайёрланмоқда.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НУКУС шаҳрида ёш тадбиркорлар ўртасида ўтказилаётган "Ёш тадбиркор — элга мададкор" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

«Ёш тадбиркор — элга мададкор»

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Микрокредит-банк" очик акциядорлик тижорат банки томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 30 нафар ёш тадбиркор ўз бизнес-лойиҳалари билан иштирок этди.

Танлов якунига кўра, 5 нафар ёш тадбиркорнинг лойиҳаси ғолибликка муносиб топилди, улар беллашувнинг мамлакат босқичида қатнашиши ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Х. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖИЗЗАХ шаҳрида навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 65 та корхона ва ташкилот 200 га яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

112 та йўлланма, 78 та иш ўрни

Айтиш жоизки, тадбирга касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларнинг жалб этилгани ўз самарасини берди. Шу кунининг 112 нафари ишга йўлланма олди. 78 нафар ишсиз фуқаро эса ўз мутахассисликларига мос иш билан таъминланди.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АНДИЖОН. Қўрғонтепа туманининг Дардоқ қишлоғида саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи фаолият бошлади.

Янги коллеж ишга тушди

Ўқув даргоҳининг мухташам биносини бунёд этиш учун "ХКМС-1" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари 2 миллион 500 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар.

Шундай қилиб, тумандаги касб-ҳунар коллежлари сонини 7 тага етди. Эндиликда улар қўрғонтепалик мактаб битирувчиларини тўлиқ қамраб оладиган бўлди.

О. ШОДМОНЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХОРАЗМ. Урганч шаҳридаги вилоят ахборот-кутубхона марказида "Китоб байрами" кўرғазма-ярмаркаси очилди.

Хоразмда китоб байрами

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси, "Ўзбекистонсавдо" давлат акциядорлик компаниясининг вилоят филиали ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда "Ўзбекистон", "Ўқитувчи", Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари ҳамда "Шарқ", "Маънавият" нашриётларида чоп этилган дарсликлар, ўқув ва бадий адабиётлар, плакатлар, фотоальбомлар намойиш этилмоқда.

Бир ой давом этадиган мазкур кўрғазма-ярмаркада нашриётлар ва таълим муассасалари ўртасида шартнома имзоланмоқда. Шуни исбатлаш, тадбир доирасида китобхонлик ҳамда мутлола байрамлари, ёзувчи ва шоирлар билан ижодий учрашувлар, интеллектуал беллашувлар ўтказилиши кўзда тутилган.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

УЛУФ БОБОМИЗ МЕРОСИГА ЭҲТИРОМ

Париж шаҳрида Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллиги бағишланган халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонаси ва ЮНЕСКО-даги доимий ваколатхонаси, Франция астрономик жамияти ҳамда Париж астрофизика институти ҳамкорлигида ташкил этилди. Улуғ алломанинг илмий меросига бағишланган халқаро конференцияда кўплаб хорижий мамлакатлардан олим ва мутахассислар, Париждаги дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Мингдан зиёд юлдуз ҳаракатининг астрономик жадвали — "Зижи Қўрагоний"ни яратган, расадхона ва мадрасалар бунёд этган Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси бекиёсдир. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан 1994 йил "Мирзо Улуғбек йили" деб эълон қилиниб, аллома таваллудининг 600 йиллиги халқаро миқёсда, жумладан, ЮНЕСКО қароргоҳи жойлашган Париж шаҳрида кенг нишонланган эди.

Конференцияда буюк бобомиз Мирзо Улуғбек илмий фаолиятининг тур-

Биз ва жаҳон

ли жиҳатларига, жумладан, "Зижи Қўрагоний"нинг жаҳон илм-фани ривожига тутган ўрни, Европада буюк алломанинг илмий меросини ўрганиш борасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, Мирзо Улуғбек давридаги таълим тизими ҳамда мутафаккирнинг ҳаётига доир маърузалар тинг-ланда ва муҳокама қилинди. Ўзбекистонда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимиз

(ўзА).

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар марказида инсон ва унинг манфаатлари ётади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ана шу жараёнларнинг моҳиятида ислохот инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак, деган эзгу мақсад муҳасам эканини ва унинг амалий ифодаси барча соҳаларда яққол намоён бўлаётганини кўриш, кузатиш қийин мумкин.

Дарҳақиқат, Конституция-мизда инсонпарварлик асосий мезон қилиб олинган. Айниқса, ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш шароитида унинг инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этувчи роли янада яққол кўзга ташланмоқда. Давлат барча соҳаларда ислохотларни амалга оширишда, энг аввало, инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг устуворлиги нуктаи назардан ёндашаётганини янада ривожланишидан далолатдир.

Унда халқ ҳокимиятчилигининг асослари белгиланган бўлиб, у нафақат халқаро ҳуқуқнинг норма ва қоида-

Менинг Конституциям

тэнглигини таъминлаш жамиятда ва давлатда инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг устувор бўлишига инсон яратувчи. Шу маънода, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини миллий тараққиёт йўлимизни белгилوғчи қомус десак, сира муболажа бўлмайди.

Унда халқ ҳокимиятчилигининг асослари белгиланган бўлиб, у нафақат халқаро ҳуқуқнинг норма ва қоида-

ларига, балки ўзбек давлатчилиги ривожининг аънаваларига ҳамда миллий ҳуқуқий қадриятларимизга айнан мос келаяди. Сийсий соҳадаги ислохотлар ҳам демократик умуминсоний принципларга асосланганлиги боис жамият ва давлат ҳаётида фуқаролар

(Давоми 2-бетда).

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК — РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

Таъкидлаш керакики, бу йилги тадбир ҳам, худди аввалгиларидек, қизгин ва ишчан руҳда ўтди. Айниқса, юртимизда жорий йилнинг Президентимиз томонидан Қишлоқ тараққиёт ва фаровонлиги йили деб эълон қилиниши унга ўзгача жўшқинлик бағишлади. Зотан, йил муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқариш ва ижтимоий ин-

водлари ўз техникаларини, Италиянинг "Маскио Гаспардо Спа" компанияси эса аграр соҳада ишлатиладиган тежамкор ва икчам минитехнологияларини намойиш этди.

Бундан ташқари, кўрғазманинг чой ва қахва бўлими павильонларида Латвиянинг "Апсара", Қозоғистоннинг "Азия Ти" каби компаниялари ўзларининг қадоқлаш ускуна-лари, келгусида сотувага

чиқарилиши режалаштирилаётган янги маҳсулотлари би-

Кўрғазма

технологияларини кенг жорий этишга алоҳида аҳамият қаратилганки, айни пайтга келиб, унинг ижроси юзасидан олиб борилаётган самарасини кўрсатаётди.

Яқунланган халқаро кўрғазма ҳам бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилиши аниқ. Негатки, тадбирда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар қаторида Россия, Украина, Эрон, Туркия, Беларусь, Нидерландия, Тайван, Германия, Хундистон сингари 15 га яқин давлатнинг 70 дан зиёд етакчи компания ва фирмалари намойиш этган энг замонавий технологиялар барча иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, халқаро кўрғазманинг озик-овқат саноати экспозициясида республикамиздаги "AZN", "Areas", "Vilks", "Pimak" сингари корхоналар ресторани, меҳмонхона ҳамда овқатланish шохобчаларига мўлжалланган 50 дан ортик ускуналарни тақдим қилган бўлсалар, Беларусь Республикасининг қишлоқ ҳўжалиги бўлимининг жой олган "МТЗ", "Маз Купава" сингари за-

дан қатнашчиларни яқиндан таништирдилар.

— Ҳозирги кунда сув, ёр ва сўт маҳсулотларини сақлаш ҳамда ташинишга мўлжалланган 15 турдан зиёд пластмасса идишлар ишлаб чиқарилган, — дейди "Middle Asia Rotoplast" хорижий корхонаси директори Азимбой Норматов. — Утган ойда 20 миллион сўмлик маҳсулот сотган бўлсак, кўрғазма бу борада янги имкониятларни яратиб берди. Чунки маҳсулотларимиз сифат жиҳатидан халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берганлиги туфайли кўрғазма доирасида нафақат маҳаллий, балки бир неча хорижий ишбилармонлар билан ҳам келишувларга эришдик. Бу фаолиятимиз янада ривожланишидан далолатдир.

Дарҳақиқат, уч кун давом этган мазкур халқаро кўрғазма ана шундай янгиликларга бойлиги, ўзаро манфаатли алоқаларнинг йўлга қўйилгани билан катта аҳамиятга эга бўлди. Зеро, самарали ҳамкорлик тараққиёт гарови ҳисобланади.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ
ШАРҲИ

МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ДАСТУРИНИНГ ИЖРОСИ

2009 йилнинг таъкидлаганидек, мамлакатимизда ёқилги ва кимё, машинасозлик ва қора металлургия, қурилиш материаллари, пахта тозалаш ва фармацевтика, енгил ва озик-овқат саноати ҳамда бошқа тармоқларда

156 та лойиҳа амалга оширилди.

Иқтисодийнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурининг изчил ижроси туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси олдидан

Парламент юқори палатасининг йигирманчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳам муҳокама этилиши кутулаётди. Аҳолини ва ҳудудларни

табiiй ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг талаблари бажарилишини таъминлашни ташкил этиш ҳамда қонун ҳужжатларидаги атамаларни бир хиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган ушбу қонунлар амалдаги қонун ҳужжатларига бир қатор қўшимчалар киритади.

хар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг айрим моддалари матндан "прапорщик" ва "мичман" деган ҳозирда амал қилмаётган ҳарбий унвонларни чиқариб ташлаш назарда тутилмоқда.

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Барчамизга маълумки, табiiй офатлар ер кўрасида ҳаёт пайдо бўлган пайтдан бери сайёрамиз аҳолисига таҳдид солиб келган. Табiiй офатлар кутилмагандан юз беради ва катта майдонларни, бинолар, мулк, коммуникациялар, озиқ-овқат манбаларини бир зумда вайрон қилади. Бугунги кунда мамлакатимизда бундай фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш учун махсус қўтқарув воситалари ва кучлар етарлидир. Янги қонун ана шундай фавқулодда вазиятларда аҳоли ва ҳудудни муҳофазалашга оид қонуний ҳаракатларни тартибга солади.

Келувчи, атроф табiiй муҳитга ва одамлар ҳаётига таҳдид солувчи ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутди. Бундан ташқари, бу турдаги жавобгарлик фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборотни яширганлик, уни ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки фавқулодда вазиятлар ҳақида атайин сохта ахборот тақдим этганлик учун ҳам белгиланиши кўзда тутилган.

Ларига мувофиқ, бошқа қонун ҳужжатларидаги атамаларни мазкур қонунларда қўлланилган атамалар билан бир хиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Яхши хабарлар

Жиззахда миҳ ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Агротехсервис+АН" маъсуляти чекланган жамияти иш бошлади.

Технология замонавий, махсулот харидоригир

Айни пайтда бу ерда хориждан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида турли ўлчамдаги 6 хил миҳ ишлаб чиқарилаёпти. 20 киши меҳнат қилаётган корхонада бир кеча-кундузда 1,3 тоннагача металл ишлов берилаети.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фаолиятини кенгайтирди

Олот туманидаги "Зафар" фермер хўжалиги қошида қолбаса ва нон махсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бунинг учун корхонага хориждан тежамкор технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Айни пайтда бу ерда бир кеча-кундузда 5 минг дона қолипчи нон ва 100 килограммга яқин қолбаса махсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Инвестиция ҳисобига корхона

Яқинда Зангиота туманида фаолият бошлаган "Ҳақима-нўр" корхонаси гўштини қайта ишлашга ихтисослаштирилган.

780 миллион сўмлик инвестиция йўналтирилиб, замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу корхона йилга 3 минг тонна гўштини қайта ишлаб, ўн хилдан ортиқ гўшт ва қолбаса махсулотлари тайёрлаш қувватига эга.

Этиборли жиҳати, у фаолият бошлаши билан ўттизта янги иш ўрни яратилди.

Ю. КЎҲУБОНОВ.

СИНОВ ПАЛЛАСИ

Бугун юртимизда қиш фасли бошланди. Аёзли кунлар аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналар учун чинакам синовидир. Шу маънода, мутахассислар ҳар бир аҳоли пункти, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек, корхона ва ташкилотларда иссиқлик, электр энергияси, табiiй газ ҳамда ичимлик суви етказиб беришга узлуксизлигини таъминлаш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Хусусан, Асака шаҳар электр тармоқлари жамоаси бу борада талайгина ишларни амалга оширди. Жумладан, ўн саккиз километрга яқин ҳаво линиялари тўла, 38 та трансформатор жорий таъмирдан чиқарилди. 110 та трансформатор эса кўридан ўтказилиб, мавжуд носозликлар бартараф этилди.



Шухрат ОЛИМОВ (ўзА) олган сурат.

Бундай чора-тадбирлар эса, ўз навбатида, қиш даврида аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш имкониятини яратди.

СУРАТДА: шаҳар электр тармоқлари мутахассислари Хурсандбек Қирғизбоев, Ғайратбек Мадумаров ва Баҳодир Баротов.

Юртбошимиз Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табриғида фермерлиқни ривожлантиришга, уларнинг эмин-эркин ишлаши, фаолият юритишлари учун барча ҳуқуқий, ташкилий-амалий замин яратилгани, кенг миқёсда имтиёз ва имкониятлар мавжудлиги, бу эса, ўз навбатида, қишлоқ ҳаётини янги босқичга кўтаришда гўят муҳим омил эканлигини алоҳида таъкидлади.

ФЕРМЕР ТАДБИРКОР БЎЛСА...

Дарҳақиқат, бундай ўзгаришларни Фарғона вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Яъни вилоятда бир неча йиллардан буён пахта, галла, пилла тайёрлаш шартнома мажбуриятлари ошириб бажарилмоқда. Шартномада битилган, хирмонларга уюлган 300 минг тоннадан зиёд пахта, 600 минг тонналик галла, 2000 тонналик "кумуш тола" хирмони фермерларнинг ҳалол, фидойи меҳнати сифатида баҳоланмоқда.

Бир қисмини етказиб беришга бўлса, оптималлаштириш тўғрисида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат кўриши, шубҳасиз. Ҳа, юрт тинчлиги ва хотиржамлигидан, осовийшта турмуш тарзидан да улуг неъмат йўқ.

Бўлсақ, оптималлаштириш тўғрисида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат кўриши, шубҳасиз. Ҳа, юрт тинчлиги ва хотиржамлигидан, осовийшта турмуш тарзидан да улуг неъмат йўқ.

Бўлсақ, оптималлаштириш тўғрисида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат кўриши, шубҳасиз. Ҳа, юрт тинчлиги ва хотиржамлигидан, осовийшта турмуш тарзидан да улуг неъмат йўқ.

Бўлсақ, оптималлаштириш тўғрисида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат кўриши, шубҳасиз. Ҳа, юрт тинчлиги ва хотиржамлигидан, осовийшта турмуш тарзидан да улуг неъмат йўқ.

Бўлсақ, оптималлаштириш тўғрисида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат кўриши, шубҳасиз. Ҳа, юрт тинчлиги ва хотиржамлигидан, осовийшта турмуш тарзидан да улуг неъмат йўқ.

Бўлсақ, оптималлаштириш тўғрисида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат кўриши, шубҳасиз. Ҳа, юрт тинчлиги ва хотиржамлигидан, осовийшта турмуш тарзидан да улуг неъмат йўқ.

Таҳлил ва таққос

ришининг нақадар самарали тадбир бўлганлигини Охунбоев туманидаги "Шерзодбек" фермер хўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Юртбошимиз Фарғона вилоятига ташрифи чоғида хўжалигимизда бўлиб, фермерлар билан дилдан, самимий суҳбат қургани кўнглимизни тоғдай кўтариб юборди, — дейди хўжалик раҳбари Бахтиёр Тўхлиев. — Ҳозирги кунда хўжалигимизда галлачиликда ўртача ҳисобдорлик 55-60, пахтачиликда эса 35-40 центнерни ташкил этаётган. Дастлаб 17 гектар майдонда деҳқончиликни бошлаган

ромад икки баробарга ортиши кутулаётди. Учқўприк туманидаги "Ҳақимбой" фермер хўжалигининг бисноидек қорвачилик фермаси бор эди. Бу ерда чорва молларини, асосан, бурдоқига боқиларди. Хўжалик раҳбари Д. Ҳақимов чорвадан кўра паррандани келадиган даромаднинг чўғи кўпроқ эканини чамаляб кўрди-ю, 40 бosh новосни бозорда пуллаб, бу маблағга фермани чорвачилик комплексига айлантирди.

Ҳозир "Ҳақимбой" фермер хўжалигининг замонавий, барча жараёнлар механизациялаштирилган йирик комплексида 20 минг бошдан зиёд паррандалар парвариш қилинаёпти. Хўжаликда етиштирилаётган тухум ва парhez парранда гўшти туман эҳтиёжидан ортиб, қўшни туманлар, шунингдек, Кўқон шаҳри аҳолисига етказиб берилаёпти.

Айни пайтда вилоятдаги фермер хўжалиқларида наслдор "Оҳалик Ломан" зотли товуқларни кўпайтиришга алоҳида

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

балки унинг ҳимоя қилинишини ҳам кафолатлайди. Давлат инсон манфаатларини ҳар нарсадан улғу олий қадрият сифатида эъзозлаётган экан, демак фуқаролар ҳам ўз конституциявий бурчининг мазмунини тўла идрок этиши аини муддаодир. Зеро, давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати миллий ўзликини англаш, ватанпарварлик ва жамаиятпарварлик тушунчалари билан ҳамохандир. Бу эса фуқароларни давлат ва жамаият манфаатларини ҳимоя қилишга даъват этади. Шу маънода, ҳар бир шахс онгига бундай улғувор тушунчаларнинг синдирилиши конституциявий ҳуқуқий маданиятнинг даражасига ҳам боғлиқ. Давлат, жамаият ва инсон ҳуқуқлари нуктаи назаридан бундай кафолатларнинг конституцияда ифода этилганлиги ижтимоий ҳаётда рўй берган энг муҳим ютуқлардан биридир.

биркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари яратилганлиги мулкдор бўлиш ҳуқуқини амалга оширишга ҳар томонлама шароит ва қулайликлар тўғрисида. Айниқса, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши кафолатланганлиги жамаиятда табиркорлик руҳини қарор топтиришнинг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда. Бинобарин, ҳусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги фуқароларга иқтисодий ҳуқуқларини амалга оширишлари учун кафолат бермоқда.

Кези келганда шуни айтиш керакки, фуқароларнинг иқтисодий фаолигини таъминлашдан туриб, инсон, жамаият ва давлат фаровонлигини ошириш мумкин эмас. Шу боис давлат ўз фуқароларнинг иқтисодий фаолигини оширишдан манфаатдор.

Мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, табиркорлик субъектларига берилётган тегишли имтиёз ва энгилликлар уларнинг иқтисодий, ҳуқуқий фаолигини оширишга муҳим омил бўлаётди. Миллий қадриятларимиз асосида тад-

биркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлиги ҳам уларнинг даромадларини оширишнинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Негаки, иқтисодий фаолият ва табиркорлик эркинлигининг конституциявий кафолатлари фуқаролар ва юридик шахсларнинг даромадларини юксалтиришга қаратилган. Иқтисодий эркинлашуви ва бақарорлашуви табиркорлик субъектлари молиявий аҳолининг яшиланишига, энг асосийси, солиқ имтиёзи туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг самарадорлигини оширишга замин яратмоқда.

Қисқаси, Конституция инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг ифодаси сифатида демократик қадрият ва ижтимоий адолатни қарор топтиришда, фуқароларнинг нуносиб ҳаёт кечириши ҳамда тинчлик ва миллий тотувлиқни таъминлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилаверади.

Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ юридик фанлари доктори, профессор.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИ

Самарқанд шаҳридаги ёшлар марказида "Ёшлар - ОИТСга қарши" илмий мавзуда республика семинари бўлиб ўтди.

1 декабрь — Жаҳон ОИТСга қарши кураш кунини муносабати билан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ОИТСга қарши кураш маркази, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Самарқанд, Андижон, Фарғона, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридан соҳа мутахассислари, табиб-бемаларлари, ихтисослашган поликлиникалар шифокорлари иштирок этди.

Семинарда юртимизда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида бу иллатнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг ижтимоий фойдали меҳнат ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Жой-тўғрида ОИТС марказлари ташкилий тузилмаси такомиллаштирилиб, моддий-техника базаси янада мустаҳкамланди.

1 декабрь — Жаҳон ОИТСга қарши кураш кунини

Семинарда доирасида "Ёшларга дўстона хизмат" мавзусида учрашув ўтказилиб, ўқувчи ва талаба-ёшларга ОИВ/ОИТС хасталигини келтириб чиқарувчи сабаблар ҳақида кенг маълумот берилди.

Ғ. ҲАСАНОВ, ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 1 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади. *)

Table with 2 columns: Currency/Unit and Value. Includes entries for Australian dollar, Anglia funit, Swiss franc, etc.

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЗАМОНАВИЙ АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ

хизмат кўрсатиш сифатини оширишда муҳим омил бўлмоқда

Маълумки, жамоатчилик XXI асрни ахборот технологиялари асри, деб атамоқда. Зеро, ахборот-коммуникация технологиялари бугун турмушимизнинг деярли барча жабҳаларида кенг қўлланилаётди. Яқинда пойтахтимиз ҳамда Нукус шаҳрида бўлиб ўтган Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги ва унинг доирасида ўтказилган "ICTExpo - 2009" миллий кўргазмаси бундан яна бир қарра исботлади. Чунки ушбу тадбир давомида бугунги кунда одамлар орасида замонавий алоқа воситаларига қизиқиш нечоғли кучли эканлиги ойдинлашди.

Нукусдаги ҳафталикнинг очилиш маросими Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалининг янгидан куриб битказилган мухташам биносида ўтказилди. Президентимизнинг 2002 йил 30 майдаги "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармониغا мувофиқ ташкил этилган мазкур филиалда бугун 393 нафар талаба 4 та таълим йўналиши бўйича тахсил олмақда. Эътиборлиси, улар ҳам ўз гоё ва ихтиролари билан кўргазмада фаол иштирок этдилар.

Чиндан ҳам, филиалда таълим олаётган ёшлар орасида билим, иқтидорли йигит-қизлар кўпчилигини ташкил этади. Масалан, ушбу ўқув дарғоғининг 2-босқич талабаси Азиз Қодиров "Қорақалпоқча-русча-ўзбекча лугат"нинг электрон веб-сайтини очди. Қарий олти минг сўздан иборат ушбу дастур таржима ва тил ўрганиш билан шуғулланувчилар ишини анча осонлаштирмоқда. Низомиддин Холмуродовга тегишли веб-сайт эса "Дустлик" ордени Қорақалпоғим" деб номланган бўлиб, унда қорақалпоқ халқининг маданияти, миллий ўзига хослиги, адабиёти ва санъати, Нукус шаҳрининг фотогалереяси каби қизиқарли мавзулар акс эттирилган. Ушбу дастур ўлка тарихи ва бугунги кун билан қизиқувчилар учун муҳим қўлланма вазибасини ўташи, шубҳасиз.

Ёшларимиз назарий билимларини амалиётга кенг қўллаётганликлари мутахассислик фанларидан пухта билим ва тушунчага эга бўлишларини таъминламоқда, — дейди филиал директори, профессор Ниетбой Утеулиев. — Масалан, жорий йилда филиалдаги у профессор-ўқитувчи ва 18 нафар талабадан иборат "Бунёдкор ёшлар" меҳнат отради Кўнғирот — Бейнов линия толаи кабели линияси қуриштирилди. Шубҳа йўқки, бу ўзгаришлар ҳалқимиз фаровонлиги, турмушимиз тўқилишига хизмат қилади.

Дарҳақиқат, замон тараққий этиб, юксак техника ва технологиялар ҳаётимиздан тобора кенг ҳай ағалла болаётган бир пайтда ёш мутахассисларнинг малакаси ҳар жиҳатдан муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Бугунги кунда Президентимиз қарори асосида Оролбўйида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга қаратилган кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур ҳужжатдан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2010 йилгача бажариладиган чора-тадбирлар дастури ижроси йўлида шаҳар ва туман марказлари тўлиқ рақамлаштирилди. Бугунги кунда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Интернет хизматини кўрсатиш бўйича лицензиясига эга 17 та Интернет-кафе аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Ушбу хизмат туридан фойдаланувчилар сони эса 88,2 минг кишидан ошди.

— Қишлоқ тараққийоти ва фаровонлиги йилда амалга ошираётган ишларимиз қўлимни ниҳоятда кенг, — дейди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси худудий бошқармаси бошлиги Қ. Қоланов. — Шу кунгача 210 та умумтаълим мактаби, 6 та мактабгача таълим муассасаси ва 8 та қишлоқ врачлик пункти учун почта хизмати кўрсатиш бўйича махсус "Дамас" автоматналарини сотиб олинди, шунингдек, қўнма алоқа бўлимлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 20 январдаги "Ишлаб чиқариш ва иқтисодий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Қўнғирот — Бейнов йўналишида халқаро алоқа линиясини барпо этиш белгиланган. Хозиргача шу йўналишда 350,98 километр оптик толаи кабели ётқизилди. Бундан ташқари, мазкур қарорда "Қорақалпоғистон", "Жаслик", "Ақшўлак" посёлкаларида симсиз радиоалоқа тармоғини кенгайтириш ҳам кўзда тутилган эди. Шу кунгача "Жаслик" посёлкасида "Ўзбекиолай" филиалининг база станцияси ўрнатилиб, ишга туширилди. Бундан ташқари, Тўртқўл, Хўжайил ва Кейғайли туманларида 3 та турдош станциясини янги рақамли телефон станцияларига алмаштириш бўйича "Койнот ЭлСГМ" ОАЖ билан уқуналарни тайёрлаш юзасидан шартнома тузилиб молиялаштирилди. Шубҳа йўқки, бу ўзгаришлар ҳалқимиз фаровонлиги, турмушимиз тўқилишига хизмат қилади.

Хўш ҳаёт АХМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам», деб ёзган эди ҳазрат Алишер Навоий. Бу фикрни фақат шахсларга нисбатан эмас, балки илмий даргоҳлар шаънига ҳам айтиш мумкин. Зеро, истиқлол шарофати, Президентимиз ташаббуси билан қайта ташкил этилган Хоразм Маъмур академиясида ўтган 12 йилда илмий-амалий аҳамияти улкан вазибалар амалга оширилди. Шу билан бирга, бу фурсат илм-фан оламида ўз қиёфасини, иш услубини, ўз мактабини кашф этиш — демакки, катта йўлга чиқиб олиш, ўзалигини яратиш борасида ҳам самарали давр бўлди.

Тарихингдир минг асрлар...

эрамизгача бўлган IV-III асрларга оид ноёб мудофаа иншооти ва Қадимий Хазораспнинг архаик даврига оид (Ичонқалъа, эрамизгача VI-V асрлар) мудофаа девори ўрганилди. Тошқалъа-1 ва Тошқалъа-2 (эрамизгача VIII-V асрлар) қўрғонлари ўрганилиб, "Уч ўчоқ" сағанаси топилди.

Шунингдек, Хоразм вилояти археологик ва меъморий ёдгорликла-

мавуларда илмий ишлар олиб борилаётти. Хусусан, Мунис ва Огаҳий қаламига мансуб "Фирдавс ул-иқбол", "Ахлоқ ул-Муҳсиний" асарлари, шунингдек, Огаҳийнинг форсий ижодидан қилинган таржималар ҳамда шоир иходининг тахлилга бағишланган мақолалардан иборат "Мангулик жамоли" китоблари нашрга тайёрланди. Булардан ташқари, "Огаҳий асарларидаги туркий қатлам", "Риёз уд-даула" асарининг лексик-грамматик хусусиятлари", "Огаҳийнинг форсий шеърини", "Огаҳийнинг адабий-танқидий қарашлари" мавзусида номзодлик илмий ишлари химоялаш учун тайёр турибди.

Буларнинг барчаси истиқлол даврида тарихимизни ҳолис ўрганишга қаратилган эътибор туфайлидир. Бундай ғамхўрлик боис қўлаб зиёлиларимиз юракларининг туб-тубида қолган тарихимизга оид истакларини ихзор этиш имкониятига эга бўлдилар. Қолаверса, Хоразм Маъмур академиясида қўлаб ёш олимлар кашф этилиб, уларнинг эмин-эркин изланиш олиб боришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.


Хоразм Маъмур академиясига кўрсатилаётган эътибор илм-фан ривожига, зиёли-олимлар фаолиятида, келажакимиз ворисларининг буюк алломалар иходидан баҳраманд бўлиб камол топишларида муҳим омил бўлмоқда.

УЛКАН ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ МАСКАНИ

Хоразм Маъмур академияси раиси, биология фанлари доктори Рўзимбой ЭШЖОНОВ билан кечган суҳбатимиз ҳам ушбу даргоҳнинг бугунги фаолияти ҳақида бўлди.

— Рўзимбой ака, ўтган қисқа даврда академиянинг илмий жамоаси нималарга эришди?

— Аввало, ушбу даргоҳнинг қайта тикланиши ва ривожланиб бораётганлиги Юртбошимизнинг бевосита раҳнамоллигида маънавият, илм-фан юксалишига кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликлар самарасидир. Жонқуяр, изланувчан, интилувчан олимларнинг меҳнати туфайли тарих учун қисқа бўлган 12 йил давомида Хоразм Маъмур академияси бир қатор илмий натижаларга эришди. Жумладан, IX-XIII асрларда Хоразмда яшagan Паҳлавон Маъмур, Рабзурий, Сулаймон Боқиргоний,



— Айни пайтда Муҳаммад Ризо Огаҳий таваллудининг 200 йиллигини нишонлаш тараддуидамиз. Огаҳий асарлари нашрга тайёрланмоқда, шоир иходи билан боғлиқ

бу грантлар 6 та устувор йўналишни қамраб олади: давлатчилик тарихи, қўлаб-қўлаб тарихий тадқиқ қилиш, тарихий-меъморий ёдгорликларни ўрганиш, экология муаммолари, қишлоқ хўжалиги, биология.

Албатта, биз келтирган бу маълумотлар Хоразм Маъмур академиясида зиёлиларимиз кўрсатаётган фаолиятнинг бир жиҳати, ҳолос.

— Илмий даргоҳда бугун олиб борилаётган ишларнинг энг долзарб жиҳати нимадан иборат?

— Айни пайтда Муҳаммад Ризо Огаҳий таваллудининг 200 йиллигини нишонлаш тараддуидамиз. Огаҳий асарлари нашрга тайёрланмоқда, шоир иходи билан боғлиқ

(Давоми. Боши 1-бетда).

эгалари, моҳир спортчилар, маҳоратли мураббийлар, қўли энгил шифокору малакали муҳандислар етишиб чиқапти. Бундай муваффақиятлар эса ҳар биримизни ташаббус билан ишлашга, ёшларга қанот бўлишга ун-

САНЪАТ ЭЗГУЛИККА УНДАЙДИ

Фахр

Фахрлиб айтишимиз мумкинки, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри Марказий Осиё минтақасида опера ва балет санъати намойиш этиладиган энг йirik маданият масканларидан бири саналади. Шу боис театримиз ижодкорларининг халқаро миқёсда эришаётган муваффақиятлари юртимизни жаҳонга танитмоқда. Зеро, истиқлол йилларида театр эркин ва мустакил ижодий фаолият юритиш, санъати ривожланган турли мамлакатлар билан халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, хорижий фестивалларда фаол иштирок этиш имконига эга бўлди.

КЕЛАЖАККА ИНТИЛГАН ЁШЛАР

дайти. Телеклубимиз ҳам айна шу мақсадда ташкил этилган бўлиб, ёшлар орасидан кучли, билимли ва қобилиятли йигит-қизларни аниқлаш асосий мудоғимиздир. Клубнинг 200 нафарга яқин аъзоси бор. Улар учун журналистика ва актёрлик маҳорати дарслари, телемонтаж ва операторлик иши бўйича машғулотлар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглари ва байрам тадбирлари тез-тез уюштириб турилади.

Бу борадаги савий-харакатларни амалга оширишда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган лойиҳа ва тадбирлар кўл келмоқда. Телеклуб аъзолари бундай тадбирларни сурагати бўлиб, телеканалларнинг ахборот дастурларида бериб бо-

Ижодий жамоамиз аъзолари санъат муҳлисарига мумтоз мусиқа маданиятининг ноёб ва бақорор намуналарини тақдим этиб келмоқдалар. Қўвонарлики, бугун Муяссар Раззоқова, Аваз Ражабов, Сайёра Хайриддинова, Кирилл Бачининов, Руслан Гафаров, Шукур Гафуров сингари етакчи опера солистлари қаторида Раамизиддин Усмонов, Умид Исроилов каби ҳушовоз хонандалар ҳамда балет санъатида юксак иқтидорини намойён этаётган Таммила Мухамедова, Омонулла Бобонов, Нодира Хамроева, Исқандар Миналиевдек ёш истеъдод соҳиблари қизгин ижодий изланиш олиб бормоқда. Улар хорижий давлатларда гастроль сафарларида бўлиб, қўлаб нуфузли халқаро фестивалларда танловларда иштирок этдилар. Жумладан, Миср, Россия, Япония, Таиланд, Малайзия, Хитой, Туркия давлатларида бўлиб ўтган опера ва балет ихрочилари анжуманларида санъаткорларимизнинг ижодий имкониятлари юқори баҳоланди. Бундан ташқари, ўтган йили Тошкентда илк бор "Тошкент баҳори" халқаро опера ва балет фестивали, шунингдек, дунё опера санъати усталиридан бири, юртимиз саҳнасида қўлаб асарлари

иқро этилган буюк итглиян бастакори Жакомо Пуччини таваллудига бағишлаб халқаро фестивал ўтказилди. Ушбу тадбирларда қатнашган жаҳонда танлиқ санъат намояндалари юртимизда опера ва балет санъати ривожига юксак эътибор қаратилиши, ўзбек хонандалари ва балет ихрочиларининг беқиёс маҳорат соҳиб эканликларини эътироф этишди.

Жорий йил бошида театримиз симфоник оркестри, опера ихрочилари ҳамда балет труппаси Хиндустонга сафар қилган эди. Деҳли шаҳрининг энг катта сахналарида бири саналими "Сири-Форт Аудиториум" киноконцерт мажмуасида артистларимиз ўз дастурларини намойиш этдилар. Хорижий муҳлисар эътиборига "Дон Кихот" балети ҳамда симфоник мусиқа оркестри ихросидан концерт дастури ҳавола этилди. Концертдан сўнг "Хиндустон — МДХ" савдо-саноат палатаси президенти Ражай Матух жазоблари юртимизда юксак эстетик санъат турларидан бири ҳисобланган балетнинг шу қадар ривож топганидан, қолаверса, опера хонандаларимизнинг жарангдор овозини тинглаб, хайратта тушганини қайта-қайта таъкидлади.

Спорт • Sport • Спорт

Терма жамоага номзодлар аниқланди

Жиззахда бокс бўйича мамлакат чемпионати ниҳосига етди.

Бир ҳафта давом этган мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 200 нафардан зиёд спортчи иштирок этди.

Яқинда Андижон вилояти бокс мактаби вакиллари яхши натижага эришдилар. Жумладан, Ж. Латипов (48 кг.), Ш. Исҳоқов (51 кг.), Ш. Абдуллаев (75 кг.), А. Қурбонов (81 кг.), М. Абдуллаев (91 кг.) чемпионлик унвонини қўлга киритдилар.

Шунингдек, ўз вази тоифалари бўйича сирдарёлик О. Шоимов (54 кг.), Жиззах вилоятидан Ш. Хўжабеков (57 кг.), Бухоридан Ф. Фойибназаров (60 кг.), А. Эргашев (69 кг.), Тошкент вилояти вакиллари К. Аҳмедов (64 кг.) ва А. Миралимов (+91 кг.) голиблик шохсупасига кўтарилдилар.

Чемпионатда муваффақиятга эришган спортчилар Қозғоғистонда ўтказиладиган халқаро турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишди.

С. БАҲРИДИНОВ.

Фахр

Опера — мурақаб санъат. Уни санъатнинг гавҳари деб ҳам атайдилар. Юқори баритонли овоз соҳиб бўлмоқ учун меҳнат қилиш, изланиш, интилиш ва энг муҳими, тажрибали устозлар мактабида маҳорат сирларидан сабоқ олмақ зарур. Шунингдек, олган ҳолда, театримизда устоз-шоғирд анъанасини давомийлигини таъминлашга, ёш ижодкорларни тажрибали санъаткорлар қўмағи-

Фахр

Опера — мурақаб санъат. Уни санъатнинг гавҳари деб ҳам атайдилар. Юқори баритонли овоз соҳиб бўлмоқ учун меҳнат қилиш, изланиш, интилиш ва энг муҳими, тажрибали устозлар мактабида маҳорат сирларидан сабоқ олмақ зарур. Шунингдек, олган ҳолда, театримизда устоз-шоғирд анъанасини давомийлигини таъминлашга, ёш ижодкорларни тажрибали санъаткорлар қўмағи-

«Қамолот» шахмат тахтаси

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан маҳаллаларда истиқомат қилувчи ўсмир-ёшлар ўртасида ташкил этилган "Қамолот" шахмат тахтаси мусобақасининг республика босқичи якуналанди.

Учинчи бор ўтказилган мазкур мусобақада 2 минг нафар ўсмир иштирок этди. Худудий босқич голиблари бўлган 56 нафар ёш шахматчи эса икки кун давомида голиблик учун ўзаро куч синашдилар.

Тадбир сўнгида умумжа-

ОБ-ҲАВО (1 декабрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайдди. Кечаси 0-5, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 0-5, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, баъзи худудларда ёмғир ёғиши кутилмоқда. Кечаси 0-5, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 0-5, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғди. Кечаси 2-7 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Баъзи худудларда ёмғир ёғиши мумкин. Тунда 0-5, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 2-4, кундузи 8-10 даража илиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Шунингдек, опера драматургиясида қалам тبرا-туви истиъдодли ижодкорларни кашф этиш борасида ҳам муайян чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Нега деганда, бугун ва келажакда айнан миллий ўзига хослигимизни ифодаловчи спектакллар сахналаштириш ҳар жиҳатдан зарур эканлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Анвар ЭРГАШЕВ, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрининг бадий раҳбари.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазибалар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1103. 32001 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девоҳхона 233-52-55; Котиббат 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

Тахририятта келган қўлаб-қўлаб тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида термалди ҳамда операторлар Ж. Тоғев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

ISSN 2010-8788

Ўзбекистон Республикаси Вазибалар Маҳкамаси Аппарати жамоаси масул ҳодим Олим Давронович Хуррамовга онаси Муҳаррамхон ШАРИПОВ нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.	"Ўзгормашсервис" уюшмаси жамоаси уюшма раиси Баҳодир Абдуқодировга қизи Ирода ПАРПИЕВ нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.
"Қишлоққурилишлойиҳа" масъулиятли чекланган жамияти бош лойиҳа-қилирув институти жамоаси худудларни меъморий-режалаштиришни ташкиллаштириш бўлими соҳиб бошлиғи Толиб Шарипович ЮСУПОВ нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.	Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Иқтисодиёт факультети Иқтисодиёт назарияси кафедраси катта ўқитувчиси Алишер Назарова акаси Рустам НАЗАРОВ нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
Тошкент давлат юридик институти жамоаси Мамурий ва молиявий ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси Фарид Исаевага онаси РАҲНО аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.	Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти жамоаси Олий математика кафедраси ассистенти Фулом Жумабоева падари бузруквори ХАЛИЛЛО отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.